

ПРОКУРАТУРА «САЛИМБОЙНИНГ ЗАВОДИ»НИ ТЕКШИРМОҚДА



Кўйликдаги асфальт-бетон заводида прокуратура текшируви кетмоқда. Мазкур завод бошлиғи Шомурод Шодиев Ўзбекистонда криминал авторитет сифатида танилган тадбиркор Салим Абдувалиевнинг яқин одами ҳисобланади. Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот идораларидаги манбага кўра, прокуратура текшируви ортида Абдувалиев гуруҳига зарба бериш мақсади ётган бўлиши мумкин.

Ўзбекистондаги энг йирик корхоналардан бири ҳисобланган “Кўйлик асфальт-бетон заводи” МЧЖда прокуратура текширув ўтказаётгани ҳақида Озодлик радиоси маълум қилди.

Хабарда айтишича, текширув бошланишига асфальт корхонасидаги цехлардан бирида газдан ўгринча фойдаланганлик иддаоси расмий сабаб қилиб келтирилган.

Терговчилар “Ҳозирча мазкур цехда ярим миллиард сўм (тахминан 240 минг АҚШ доллари)га тенг газ ўғирлаб, ишлатилганини айниқлаган” ва корхонани катта миқдорда жаримага тортиш тўғрисида қарор чиқариши кутилмоқда.

“Кўйлик асфальт-бетон заводи” Ўзбекистонда криминал авторитет сифатида танилган Салим Абдувалиевга қарашлидир. Корхонада жиддий текширув бошлангани ҳам завод бош директори Шомурод Шодиевнинг Салим Абдувалиев гуруҳига дохил экани сабаб бўлиши мумкин.

Ҳуқуқ-тартибот идораларидаги ўз манбасига таяниб, Озодлик радиоси хабар беришича, Шомурод Шодиев яқин кунларда Бош прокуратура ва Миллий хавфсизлик хизматида сўроққа чақирилиши мумкин.

Бундан аввал Ўзбекистон криминал дунёсининг яна бир авторитети деб кўрилган Гафур Раҳимовга қарашли “бизнес империясига” ҳам ҳужум

қилинган. Ўзбекистонда босим кучайиши ортидан 2010 йилдан бери мамлакат ташқарисида яшаётган Гафур Раҳимовга нисбатан ўтган йил охирида Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот идоралари жиноий иш очиб, уни қидирувга берган.

Гафур Раҳимовнинг Ўзбекистондаги мулки, жумладан турли соҳаларни қамраб олувчи йирик бизнеси тортиб олинган. У Ўзбекистон Миллий Олимпия кўмитаси раиси ўринбосари ва Бокс миллий уюшмаси раҳбари лавозимларидан ҳам четлатилган эди.

Салим Абдувалиев ҳам Гафур Раҳимов каби ўзини спорт соҳаси ҳомийи деб тақдим қилади. У кўп йиллардан бери Ўзбекистон кураш уюшмаси президенти лавозимини эгаллаб келади.

Ўтган йили, Салим Абдувалиевнинг “МТС-Ўзбекистон” иши бўйича сўроққа чақиртирилгани ва ундан мамлакатни тарк этмаслик тўғрисида тилхат олинганига оид гап-сўзлар пайдо бўлган эди. Лекин орадан кўп ўтмай, Салим Абдувалиев Лондонда ўтказилган Ёзги олимпиада ўйинларида кўриниш берди.

Ўшанда ўзбекистонлик курашчи Артур Таймазов олтин медал ғолиби бўлганидан қувониб майдонга югуриб чиққан Салим Абдувалиев тасвири Ўзбекистон телеканалларидаги трансляциядан олиб ташлангани унинг атрофидаги гап-сўзларни янада кучайтириб юборган эди.

У. ҲАҚНАЗАРОВ: Б. УСМОНОВ АВТОҲАЛОКАТИ КИМНИНГ БУЮРТМАСИ?

Шу йил апрель ойидаги Москва сафари чоғида Ислоҳ Каримовга россиялик ҳамкасби Владимир Путиндан ўз тахтини бўшатиб, уни россиялик олигарх Алишер Усмонов билан куда бўлган Бош вазир Шавкат Мирзиёевга топшириш “тавсия”си янграганидан сўнг, ўзбек ҳуқуқати парда-ортида юртбошининг бош вазирга нисбатан совуқлиги сезила бошлади.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИ ҚАЙГУРМАЙДИГАН ЎЗБЕКЛАР РОССИЯДАГИ ЭНГ ҲУҚУҚСИЗ ЖАМОАДИР

Бошқа томондан, маҳаллий москваликлар бажаришни истамаган фаррошлик ё ҳаммоллик каби оғир ишларни ҳам муҳожирлар, хусусан, ўзбеклар қилишмоқда. Чунки Ўзбекистон давлати қайгурмайдиغان ўзбеклар Россиядаги энг ҳуқуқсиз жамоа саналади.

(Давоми 3-бетда)

БЎРИДАЙ ҒАЖИЙМИЗ УШБУ ДАВЛАТНИ

Бўридай ғажийман бюрократизимни, Қоғозбозликни йўқ кўргани кўзим... Аммо...

Рус совет шоири Маяковскийнинг шунга ўхшаш сатрлари бор. Бўридай ғажий ва кейин аммо, дея ниманидир исботлашга уриниш. Бугун Сурия масаласида шундай манзарани кўришимиз мумкин.

(Давоми 4-бетда)

ЎЗБЕКИСТОНДА МАФКУРА ВАСВАСАСИ

Мамлакатимиз ўз тарихи давомида ҳеч қачон бугунгидай йўлсизлик, мақсадсизлик, қоронғулик ва калтабинлик ҳолатига тушиб қолмаган бўлса керак, халқимиз ҳеч қачон бугунгидай ўзининг идеал ва орзуларини, анъана ва урф-одатларини, ўзаро инсонийлик ва меҳр-муҳаббатни йўқотмаган бўлса керак.

(Давоми 5-бетда)

ИНТЕРНЕТДАН ХАВФСИЗ ФЙДАЛАНИШ ҲАҚИДА ЎХҚ ХАЙРИХОҶИ ТАКЛИФИ

Ўзбекистон ҳудудидан мобил телефон орқали муҳолиф ва сиёсий сайтларга, одноклассники, фэйсбук даги гуруҳларда катнашаётган лекин фикр билдиришга кўрқаётган ҳамюртларимиз диққатига.

(Давоми 6-бетда)

У. ҲАҚНАЗАРОВ: БОБУР УСМОНОВ АВТОҲАЛОКАТИ КИМНИНГ БУЮРТМАСИ?

Ушбу мақолада биз россиялик таниқли олигарх Алишер Усмоновнинг жияни, 30 ёшли Бобур Усмоновнинг жисмонан йўқ қилинишига доир баъзи тафсилотларни маълум қилмоқчимиз. Шундай қилиб...

Бобур Усмоновнинг ҳалокати – ўзбек махсус хизматларининг амалиётидир

Жорий йилнинг апрель ойидаги Москва сафари чоғида Ислому Каримовга россиялик ҳамкасби Владимир Путиндан ўз тахтини бўшатиб, уни россиялик олигарх Алишер Усмонов билан куда бўлган Бош вазир Шавкат Мирзиёевга топшириш “тавсия”си янграганидан сўнг, юртбошининг бош вазирга нисбатан ғазаби сезила бошлади.

Москва сафаридан қайтибоқ Каримов Бош вазирни у бошқараётгани бир неча соҳадан маҳрум этиб, бошқа вазирлик тизимларига тақсимлаган бўлди. Жумладан, Халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим соҳасидаги барча муҳим масалалар энди Бош вазир эмас, вазирлик тарафидан ҳал этилади.

Ислому Каримов яна Мирзиёевга бошқа соҳаларда ҳам муҳим қарорларни яққаўзи қабул қилишини чеклади. Оқибатда Бош вазир ваколатида фақат қишлоқ хўжалиги, шаҳар қурилиши ва ободонлиги, уй-жой коммунал хўжалиги ва ш.к. иккинчи даражали соҳалар қолди.

Бунга далил ўлароқ Ўзбекистон президентининг маориф соҳасидаги ислохотлар ҳақида сўнгги чиқарган фармонларини келтириш мумкин, ушбу фармонларнинг бажарилиши аввалгидай Мирзиёев эмас, бевосита вазирлик ва муассаса раҳбарларига топширилган.

Ислому Каримов “Россиянинг одами” дея Мирзиёевни ўзидан узоқлаштириш билан бирга, Мирзиёев-Усмонов тандемини зарарсизлантиришга қаратилган мафий ва ўта қалтис режага киришди. Президент маслаҳатчиси Вячеслав Голышев билан маслаҳатлашгач, илк зарбани ушбу тандемни боғлаб турган омилга – Бобур Усмоновга қаратишга қилишилди. Бобур Усмонов – олигарх Алишер Усмоновнинг вориси ва Шавкат Мирзиёевнинг (жиянига уйланган) куёви саналар эди. Қилишувга кўра, аввалига “кўғирчоқ эгаси”ни, ундан кейингина “кўғирчоқ”нинг ўзини бартараф этиш лозим эди.

Каримовнинг қарори Бобур Усмоновдан нима қилиб бўлмасин ва биринчи кулай фурсатдаёқ кутулиш эди, Мирзиёевни эса аста-секин ва босқичма-босқич йўқотиш керак эди. Москванинг ғазабига дучор бўлмаслик учун. Шундай қилиб...

Бобур Усмоновни йўқотиш махсус амалиёти

Ислому Каримовнинг топшириғи билан Бобур Усмоновни жисмонан йўқотиш махсус амалиётини уюштириш ва амалга ошириш Ўзбекистон МХХ раисининг биринчи муовини Шухрат Ғуломовга топширилган. Бу амалиётнинг буюртмачи ва ташкилотчилари Рустам Иноятовни – кейинги вақтларда хасталиги туфайли ишхонада кўринмай қўйган МХХ раисини – четлаб ўтганлар, яъни унга хабар бериб ўтирмаганлар.

Шундан сўнг Шухрат Ғуломов олган барча топшириқлар Ислому Каримовдан эмас, бевосита унинг тўнғич қизи Гулнорадан кела бошлаган.

Шуни ҳам айтиш керакки, кейинги вақтларда кланлар орасидаги курашда юзага келган конъюнктура боис Шавкат Мирзиёев томонига ўтиб олган Шухрат Ғуломов энди Ислому Каримов ва кизининг буйруқларини бажаришга мажбурдир.

Дастлабки режаларга кўра, Шухрат Ғуломовнинг махсус қотил гуруҳи 10 май куни Тошкентда, Алишер Усмоновнинг жияни Асал Нарзиёевнинг тўйида Бобур Усмоновни заҳарлаш керак эди. Бироқ сўнгги паллада (7 май куни Бобур Усмоновнинг дўстларидан бирининг туғилган кунинида қатнашиши маълум бўлгач), “ишни 10 майга қолдирмасликка” қарор қилинди.

Ва 7 май тонгидан Ш.Ғуломовнинг махсус гуруҳи Тошкентда, Қори Ниёзий кўчасида жойлашган Мелиорация ва Ирригация институтининг қаршисидаги «СМІ» арт-кафеси атрофида сафарбар этилди. Заҳарли моддалар билан ишловчи махсус бўлинма «СМІ» арт-кафесининг архитектура планини, иш режимини ва ҳатто таомлар менюсини синчковлик билан ўрганиб чиқди.

Бундан ташқари, махсус гуруҳнинг бир қисми Бобур Усмонов тез-тез бориб туриши аниқланган «People» кафе-си устидан ҳам назорат ўрнади. Ўзбек чекистлари олигархнинг жияни «СМІ» кафе-сидан одатда тонготаргача қолиб кетишни хуш кўрадиган «People» кафе-сига қилиши мумкин, деб тахмин этгандилар. Аммо амалда иш бунгача бориб етмади...

Чунки «СМІ» кафе-сидаги туғилган кун зиёфатида МХХ ишга солган офицантлар орқали Бобур Усмоновнинг олдига заҳарланган идишлар қўйилади. Бу заҳарлар инсон организмга кирганидан 6-7 соат ўтиб таъсир қиладиган моддалар бўлган. Узоқ давом этган зиёфатдан сўнг Б.Усмонов ўз одати бўйича «Mustang» автомобилида пойга ва машина ўйнатиш (автотрюк) саёхатида чиқишга қарор қиладди.

Биздаги маълумотларга кўра, заҳарнинг таъсири 8 май куни тонг вақти соат 5 га тўғри келган, ва заҳар таъсирида хушидан кетган Бобур Усмонов текис ва бўш трассада автомобиль бошқарувини йўқотган. Агар Бобур Усмонов бу лаҳзада машинада эмас, уйда ёки бошқа бирор жойда бўлганида ҳам, барибир заҳар таъсирида ўлган бўларди.

Шухрат Ғуломов гуруҳи “клиент”нинг жони кафеда ёки уйда узилишини тахмин қилган эдилар. Фақат қотилларнинг омадига заҳарнинг таъсири Бобур Усмонов автомобилида қатта тезликда кетаётган лаҳзага тўғри келади.

Эслатиб ўтамай, каримовлар буйруғини бажариш учун Шухрат Ғуломов ва қотиллар гуруҳида яна бир заҳирадаги кун ва заҳирадаги тadbир – 10 май кунига режаланган Асал Нарзиёевнинг тўйи ҳам бор эди. Яъни, ғуломовчилар барибир Каримовнинг топшириғини 10 май куни бўлса ҳам амалга оширган бўларди.

8 май куни эрталаб соат 11 да Шухрат Ғуломов “Президент топшириғи бажарилгани ҳақида ҳисобот” бериш учун Каримовнинг қотиби Георгий Крайновдан “Ота” қабулига изн сўрайди. Изн шу заҳотиёқ берилади.

Бизда Бобур Усмоновни йўқотиш учун ўзбек чекистларининг Исроил махсус хизматлари ёрдамидан фойдалангани ҳақида тасдиқланмаган маълумотлар ҳам бор. Уларда ҳам Алишер Усмоновнинг улкан бойликларига эга бўлиши қутилган жиянини йўқ қилиш қасди бўлган... Маълумки, мерос масаласида эр-хотин Алишер Усмонов ва Ирина Винер орасида низолар доимо бўлиб келган: Винер Усмоновнинг бойлиги ўзининг биринчи эридан бўлган ўғли Павел Винерга қолишини истаган, бироқ Алишер Усмонов хотинининг бу хоҳишига қарамай, меросхўр сифатида ўз жиянини танлаган. Винер эса эрининг бу танловидан доимо норози бўлган. Юқоридаги тасдиқланмаган маълумотларга кўра, Ирина Винер ҳам Бобур Усмоновнинг йўқ қилинишидан манфаатдор бўлган ва шу мақсадда Исроилнинг МОССАД хизматида муружаат этган бўлиши мумкин...

Биз етарли далилларга эга бўлмаганимиз боис бу тахминни тўғри ёки нотўғри, дея олмаيمиз. Биз фақат бир нарсани аниқ айта оламиз: Бобур Усмоновнинг жисмонан йўқ қилиниши Ислому Каримовга керак бўлган.

(Давоми кейинги саҳифада)

У. ҲАҚНАЗАРОВ: БОБУР УСМОНОВ АВТОҲАЛОКАТИ КИМНИНГ БУЮРТМАСИ?

(Давоми: Боши олиндинги саҳифада)

Каримов олигарх ворисини муҳтамак кўғирчоқ — Шавкат Мирзиёевни ўйнатадиган кўғирчоқ эгаси, республиканинг келажакдаги яширин раҳбари сифатида кўрган. Шундай қилиб...

Шавкат Мирзиёев устидаги қора булутлар

МХХ раисининг биринчи ўринбосари Ш.Ғуломовга давлатнинг яна-да муҳим топшириқлари берилишини эслатиб, Президент Ислоҳ Каримов “четдан ўзига васийлар топган” Шавкат Мирзиёевга нисбатан “эхтиёт чоралари”ни ҳам кўриб қўйишни назарда тутган бўлиши ҳақиқатга яқиндир.

Биздаги маълумотларга кўра, бугунги кунда Шухрат Ғуломов шахсан президент Каримовнинг топшириғи билан Мирзиёевга қарши очилган досьедаги “баъзи фактларни аниқлаштириш”га киришиб кетган. Шунинг учун ҳам МХХ терговчилари Шавкат Мирзиёевнинг тадбиркор-қариндошларига нисбатан ёпилган тергов ишларини “қайта кўтара бошлаганлар”.

«Москва кўп миллатли шаҳар бўлиб қолиши керак» — деган «Московские новости» газетасидаги суҳбатида Москва мэри Сергей Собянин — «Аммо интеграцияга киришмаган муҳожирлар ортга, ўз юртларига қайтиб кетишлари лозим».

“Контора” терговчилари Мирзиёевнинг ҳаттоки икки йил аввал хорижга қочиб кетган куёвлари ҳамда божалари билан ҳам яқиндан «қизиқа» бошлаган.

Бош вазир устида айланаётган қора булутлар ўзбек ҳукуматида ҳаммининг кўз ўнгини қоронғу қилиб қўйди. Бу табиийдир, ахир, юқорида айтганимиздек, икки ойда Бош вазир энг йирик “ёғли” соҳалардан: саноат, олий таълим ва ҳ.к.лар қуруқ қолди-да. Бу ҳам етмагандек, Мирзиёевнинг ортига Шухрат Ғуломовнинг одамлари тушди. Шундай қилиб...

Хулоса ўрнида

Бобир Усмоновнинг ҳалокати — ҳеч шубҳасиз, шахсан Ислоҳ Каримовнинг буйруғи билан, Ўзбекистон МХХ раисининг биринчи муовини Шухрат Ғуломов бошлиқ чекистлар ижросида амалга оширилган сиёсий қотилликдир. Бу қотилликнинг асосий мақсади — Шавкат Мирзиёев ва Алишер Усмонов орасидаги қариндошлик ришталарини узишдир.

Ўзбекистондаги сиёсий элита ёпиқ элитадир.

Бегоналар учун у ерга кириш таъқиқланган. Унга фақат Ўзбекистон махсус хизматлари бошлиғи ва шахсан Ислоҳ Каримовнинг маъқул кўргани шахсларгина киритилиши мумкин. Шунда ҳам бу ёпиқ сиёсий клубга кирган шахслар мустақил равишда бирор иш қилишга ҳаққи йўқ. Мустақиллик бу ерда аёвсиз жазоланади. Бунга яққол далил — Шавкат Мирзиёевдир, у президентлик тахтига эришиш учун Каримовнинг қўлловини кам санаб, Россиянинг ҳам дастагини қозонишга қарор қилганди. Энди эса бу мустақиллигининг жазосини кутмоқда, холос.

Каримов ўзига ярим итотни хуш кўрмайди ва кечирмайди. Диктаторни 50/50 итот қаноатлантирмайди. Унга юз фоиз, ҳатто шахсий ва оилавий масалаларда ҳам президентдан рухсат сўрайдиган қуллар керак. Ислоҳ Каримовга мутлақо қарам ва химоясиз қуллар керак. Масалан, токи каримовлар тирик экан, бу оиланинг чангалидан ҳеч қачон чиқа олмайдиган Рустам Азимов каби-лар.

Усмон Ҳақназаров, сиёсатшунос

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИ ҚАЙҒУРМАЙДИГАН ЎЗБЕКЛАР РОССИЯДАГИ ЭНГ ҲУҚУҚСИЗ ЖАМОАДИР



Жаноб Собяниннинг ушбу фикри Россиядаги муҳожирлар бобида қизиётган баҳсу мунозараларнинг сўнгисидир.

Ҳозир аксар Марказий Осиёдан келган 10 миллионга яқин муҳожир Россияда яшаб, ишламоқда. Уларнинг қарийб учдан бир қисми эса Москвада.

Шу боис муҳожирлар пойтахтда яққолроқ кўзга ташланади. Бу эса маҳаллий аҳолида аксилмуҳожир кайфиятларини кучайтирмоқда.

Бошқа томондан, маҳаллий москваликлар бажаришни истамаган фаррошлик ё ҳаммоллик каби оғир ишларни ҳам муҳожирлар, хусусан, ўзбеклар қилишмоқда. Чунки Ўзбекистон давлати қайғурмайдиган ўзбеклар Россиядаги энг ҳуқуқсиз жамоа саналади.

Ўз ҳукуматлари саъй-ҳаракатлари туфайли Россияда анчайин кўпроқ ҳақ-ҳуқуққа эга муҳожирлар — қирғизлар ва тожиклар эса кўпинча дўконларда ҳамда ошхонау қаҳвахоналарда ишлайдилар. Кўчадаги руслар кўзига эса ай-

нан ана шу ўзбек фаррошлари ва ҳаммоллари ташланади. Москвадаги «Сова» ахборот марказидан Александр Верховскийга кўра, бир қисм маҳаллий аҳоли бу муҳожирларнинг ўзлари билан аралашиб кетишини исташмайди.

«Авалло бу муҳожирларнинг интеграциялашуви учун имконият яратиш даркор» — дейди Александр Верховский — «Шундан кейин натижалар қандай бўлишини кўриш керак».

Москва ҳокими муайян миллат вакиллари тўпланиб яшайдиган мавзеларни геттоларга қиёслайди ва муҳожирларнинг бу тахлит умргузаронлик қилишига қаршилигини айтади.

«Бундай мавзелар юзага келгани ҳақида менга маълум эмас» — дейди «Сова» вакили — «Аммо юзага келиш эҳтимоли йўқ эмас».

Кулбадан интеграция кутма

Айни дамда, Россияга ишга келадиган муҳожирларнинг аксариси доимий яшаб қолишни эмас, балки бир муддат пул ишлаб, ватанига қайтиб кетишни исташади.

Мутахассисларга кўра, қисқа вақтга келган муҳожирларни жамиятга интеграция қилиб бўлмайди.

Айни дамда, интеграция деганда кўпчилик рус тилини билишни ва йирик шаҳар қонун-қоидаларига мос яшашни ҳам қайд этишади.

Мутахассисларга кўра, сўнгги йиллари келадиган ёш муҳожирлар русчани билишмайди, қишлоқлардан

келганлар эса катта шаҳарда яшаб кетишга қийналишади. Тил билмаган ва қонун-қоидалардан беҳабар ҳуқуқсиз муҳожирлар эса кўп ҳолларда эксплуатация қилинмоқда.

«Келадиган аксар муҳожирлар меҳнат шартномасига эга эмас, ижтимоий суғуртаси йўқ» — дейди Александр Верховский — «Қаерда ишласалар, ўша ерда яшаб, кун кечиршияпти. Жуда кам ҳақ олишияпти, баъзида умуман олишмайди».

«Бу каби муҳожирлардан турли жиноий гуруҳлар ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқдалар».

Кузатувчиларга кўра, Россия жамиятида шу асно параллел ҳаётда, буткул ўзгача, ҳуқуқсизлик шароитида яшаётган жамоа пайдо бўлмоқда.

«Агар Россия бу жамоани ўзига интеграция бўлишини истаса, улар учун рисоладагидек шароит яратиши керак» — дейди «Сова» вакили — «Акс ҳолда, кулбада яшаб юрган одамдан қанақа интеграция кута-сан?»

БЎРИДАЙ ҒАЖИЙМИЗ УШБУ ДАВЛАТНИ

Бўридай ғажийман бюрократизмини, Қоғозбозликни йўқ кўргани кўзим... Аммо...

Рус совет шоири Маяковскийнинг шунга ўхшаш сатрлари бор. Бўридай ғажий ва кейин аммо, дея ниманидир исботлашга уриниш. Бугун Сурия масаласида шундай манзарани кўришимиз мумкин.

Русия аммо, деди ва Сурияга С 300 ракеталарини юборишга қарор қилди...

Европа Иттифоқи аммо деди ва муҳолифларга қурол сотишга рухсат берди...

Эрон аммо деди ва Сурия ҳукуматида 4 миллиард долларлик ёрдам беришга қарор берди...

Ливандаги шиа “Ҳизбуллоҳ” гуруҳи аммо деди ва унинг аскарлари Сурияда диктатор Асад кучлари билан бирга кўзғолончиларга қарши урушга кирдилар.

Сунний дунё, яъни Туркия, Қатар, Саудия Арабистони ва Араб Бирлиги ҳам аммо, дейишди ва Суриядаги ички урушга бефарқ эмасликларини кўрсатмоқдалар.

Исроил аммо, дея вақти вақти билан Сурияни бомбаламоқда...

АҚШ ва БМТ фақат аммо, аммо, дейиш билангина чегараланиб, амалий ишларга ўтишдан қандайдир сабаблар билан ўзини тийиб турибди...

Сурия қанақа давлат ўзи? Нега бу давлатни бошқа давлатлар “бўридай ғажийшга” киришдилар?

Сурия сиёсий жиҳатдан нусайрийлар давлатидир. Бу давлатда ҳокимият яқин вақтларгача (араб баҳори бошланмасдан олдин) аҳолининг фақатгина 10% ташкил қиладиган нусайрийларнинг, яъни бузилган шиаларнинг қўлида эди. Нусайрийлар мусулмончилик, христианлик ва маҳаллий урф одатларини аралаштириб ўзларига дин қилиб олганлар. Диктатор Асад оиласи эса ўзининг секуларлиги (динсизлиги) билан машҳурдир.

Нусайрийларнинг тамсилчиси диктатор ота ва бола Асадлар Сурия аҳолисининг асосий қисмини (тахминан 80%) ташкил қиладиган сунний мусулмонларни ўзларига душман деб билладилар. Шунинг учун ҳам ҳозирги диктаторнинг отаси Ҳофиз Асад 1982 йилда Ҳама

шаҳрида 50000 га яқин сунний мусулмонни қатлиом қилганди. Ўғил Башар Асад сўнгги икки йилда 80000 кишини қатл қилди...

Агар “аммочи” чет давлатлар аралашмаганда Сурия диктатори аллақачон тахтдан туширилган бўларди.

Аммо...

Сурия Русиянинг Ўрта Шарқдаги охириги базасидир. Аввал Ливия ҳам Русиянинг минтақадаги ҳамкори эди. Аммо диктатор Қаддафий кулаши билан Русия бу мамлакатдаги таъсирини йўқотди. Асад ҳукумати тахтдан кетадиган бўлса Русия минтақада ўзининг бу сўнгги “базасини” ҳам йўқотиши мумкин...

Сурия Эроннинг ҳам минтақадаги жони жигаридир. Эрон гўё исломий давлат аммо атейст диктатор унинг жони жигари ҳисобланади. Чунки Эрон ҳам, Асад ҳам суннийларни душман ўрнида кўради. Ҳизбуллоҳ исмли Ливандаги шиа фирка ҳам бу масалада Эрон ва Сурия диктаторининг иттифоқчисидир.


Суриянинг аҳолисининг асосий қисмини ташкил қиладиган суннийлар ташкилий ва ҳарбий жиҳатдан жуда заифлар. Шунинг учун ҳам Сурия муҳолифати турли диний ва миллий гуруҳларга бўлиниб кетган. Булар орасида энг машҳурлари Сурия муҳолифлари Коалициони, Ҳур Сурия армияси ва кейинги пайтларда кучайиб бораётган Нусра жаҳасидир. Бу муҳолиф кучларни асосан сунний дунё давлатлари ва нисбатан ғарб дунёси қўллаб қувватлаши айтилади.

Дунёнинг кўз ўнгида бир давлат ва унинг аҳолиси мана шу шаклда “бўридай ғажийш” қурбони бўлмоқда. Бунинг сабаби Суриянинг бугунги дунёда манфаатлар қураши марказига айланганидир. Ўртада бу ҳам давлат эди, бу ерда ҳам инсонлар яшайди, дейдиган ва ғажийшда қатнашаётган кучларни орқага чекинишга мажбур қиладиган куч эса афсуски йўқ. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти эса “аммо, аммо”, дейишдан нарига ўта олмаяпти.

Абдурраҳмон Муҳаммад

(Халқаро ахборот воситаларининг Сурия масаласи оид тарқатган хабарлари асосида ҳозирланди)

ТОШКЕНТДА ЕР ҚИМИРЛАДИ, НАВБАТДА РЕЖИМ



Ўзбекистонда президент Каримов ўрнатган “қабристон” тинчлиги ва барқарорлиги давом этмоқда. Ҳамма ёқда “тинчлик, тўйу томоша, олам гулистонлик...”

Албатта, бу Ўзбекистон дунёнинг энг тараққий давлати бўлгани учун эмас, аксинча ватанимизда ҳамманинг овози ўчирилганлиги учундир. Ҳеч ким ҳеч қандай муаммо ҳақида гапира олмайди, муаммони қўйинг бирор соҳада бирор тақлиф ёки ташаббус қилиш ҳам таъқиқланган.

Олинаётган хабарларга қараганда яна ўқувчилар далаларга пахта чопиғи учун олиб чиқилган, Гугушанинг порахўрлик иши Швецияни титратган, Ўзбекистонга БМТ Бош Котибининг ёрамчиси келган...

Бундай масалалар эркин жамиятнинг оммавий ахборот воситаларида қизғин муҳокама қилиниши керак эди. Аммо Ўзбекистонда “тинчлик”, тўғрироғи режим ва унинг асосчисининг тинчлиги бузилмаслиги керак. Шунинг учун ҳатто куни кеча рўй берган 5,5 баллик зилзила ҳақида ҳам ҳеч ким ҳеч нарса дея олмайди. Газета ва журналлар бекорчи гаплар, телевидение ва радио каналлари маъносиз қўшиқлар билан тўла...

Тошкентда ер қимирлади, аммо режим қимирламади. Аммо режимнинг пойдеворида кучли зилзила яқинлашиб келаётгани ҳам бир ҳақиқатдир...

Фурқатбек

БИРОРТА ҲАМ ИЖОБИЙ ИШ ҚИЛА ОЛМАГАН ДЕПУТАТЛАРГА

Мунофиқнинг уч белгисин ҳадисларда аён қилган, Ёлғон сўзлар айтмоқ гуноҳ азимлигин баён қилган. Ваъда бериб бажармаслик, омонатга хиёнат ҳам, Шудир асли мунофиқлик, шудир улкан жиноят ҳам.

Эл кўзига гуё улар эл дардида ёниб юрар, Аслидачи, эл дардидан ўз мақсади афзал турар. Аввал қуриб берди мактаб, эскисини бузиб олгач, Ғишт, тахтасин сотиб тугал пулларни ҳам сузиб олгач. Асфальт кўча қилди барпо, кимдир боғча қуриб берди, Яна газни очди равон сайловгача туриб берди.

Юртга хизмат қилса кимки, магар шунча бўлар обод, Билар кимки қилса ҳиммат, солиқдан ҳам бўлар озод. Олтин қаср ваъда қилди, уни ўраб алдовларга, Кейин қўйди номзодини юртда бўлган сайловларга. Минглаб одам номидан иш кўрмоқликга масъул бўлиш, Хиёнатдир шунча одам тақдирига бефарқ бўлиш.

Кеча сайлов саҳнасида роль ўйнади, ноиб бўлди, Кўрсатди-ю тамошосин, эл кўзидан ғойиб бўлди. Депутатга халқ вакили, нажоткор деб ким қарабди, Яхшилик гар ундан кутса “чучварани хом санабди”. Депутатлар асли ўшар чўп суқилган кўғирчоқга, Инжиқ бола қўлидаги ип боғлаган ўйинчоқга.

Депутатлар халқдан қочиб йўлларини ўйлаб юрар, Сайловчилар билан гуё, беркинмачоқ ўйнаб юрар. Излаб асло топиб бўлмас, қулоғи қар, тили соқов, “Борса келмас” томон кетган гуё улар песу-мохов. Бугун якка ҳокимликдир, майли давру даврон сурсин, Ҳур фикирлик даври келгай, яқин кунда қараб турсин! Бугун мансабда у сархуш, ботиб ширин хаёлларга, Эрта не деб жавоб қилгай тиканли ҳар саволларга?

Нурмуҳаммад Азизов



Мамлакатимиз ўз тарихи давомида ҳеч қачон бугунгидай йўлсизлик, мақсадсизлик, қоронғулик ва калтабинлик ҳолатига тушиб қолмаган бўлса керак, халқимиз

ҳеч қачон бугунгидай ўзининг идеал ва орзуларини, анъана ва урф-одатларини, ўзаро инсонийлик ва меҳр-муҳаббатни йўқотмаган бўлса керак. Мана, неча йиллардирки, халқни бу аҳволга солган Ўзбекистоннинг бугунги ҳукумати халқнинг маҳв этилган орзулари ўрнига, худди болага хўрозқанд излагандай, бир мафкура топиб беришга уруниб ётибди. На бирон бир идеали, на мамлакатни бошқариш борасида бирон бир режа ёки лойиҳаси бўлган ҳукуматнинг қандай мафкураси бўлиши мумкин?

Ҳукуматнинг ўзи кечагина ўз идеалларини йўқотиб, энди нима қилишни билмай, боши қотган собиқ коммунистлардан иборат бир тўдадир. Улар демократик кадриятларни, маънавий-диний кадриятларни, урф-одат ва анъаналаримизни инкор этар эканлар, уларнинг ўрнига нима қўйишни билмай; “бизга бир мафкура топиб беринг”, дея аюҳаннос солиб, олим-у, фозилларимизнинг шундоқ ҳам зўрланиб, адо бўлган тафаккурларига яна ҳам қаттиқроқ босим ўтказмоқдалар ва бу билан жамиятда ҳукм суратган риё, ёлғон, сохтакорлик кайфиятини янада чуқурлаштирмоқдалар.

Ўзбекистонда авж олган мафкурабозлик ўйинларининг яловбардорларидан бири бўлган “Мулоқот” журнали президент И.Каримовнинг “Мафкурасиз одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотади” деган “башорат”ини келтиради. Ҳолбуки, мафкура излаб топиш ҳақидаги бутун аюҳаннослар ўша йўлнинг аллақачон йўқотиб қўйилганидан,

ЎЗБЕКИСТОНДА МАФКУРА ВАСВАСАСИ

мамлакатнинг боши берк кўчага кириб қолганидан келиб чиқмоқда. Каримов ҳукумати йўлини йўқотиб қўйган мамлакат аҳолиси ичида тартибсизликлар бошланмаслиги учун халқни доим етаклаб юрадиган бир мафкура излаб топишни орзу қилмоқда. Бу қандай мафкура бўлиши лозим?

“Мулоқот” журнали (1998 йил, 6 сон) бу ҳақда шундай ёзади: “... мафкуравий жараён ўз таъсири билан аҳолининг барча қатламларини камраб олиши лозим. Бунинг учун эса, ушбу жараён ташкилотчилари аҳолининг турли ижтимоий қатламларини: миллий, профессионал, руҳий, ёшлик хусусиятларини аниқ билишлари, қолаверса, мафкуравий таъсир аҳолининг ҳар бир табақасининг моддий ва маънавий эҳтиёжига мос тушмоғи лозим”.

Юзсизликни қаранг-ки, “мафкура ташкилотчилари” мафкуранинг халқ бўйнига мосланётган, ўлчанаётган бир бўйинтириқ эканлигини яшириб ҳам ўтирмай, бўйинтириқ яслаётганда нималарни кўзда тутиш кераклигини (миллий, профессионал, ёш хусусиятлари ва ҳақозо) бир-бир санаб чиқадилар. Халқнинг бўйига қараб, мафкура ясашга бел боғлаган бу шоввозларда мафкура моҳияти нимадан иборатлиги ҳақда ҳам бирон бир тасаввур йўқлиги қундай равшан кўриниб туради. Ўзбекистондаги режим идеологлари мафкура халққа мослаб бичилган бўйинтириқ эмас, балки, халқнинг савиясидан юксакроқда туриб, халқни шу юксакликка чақирувчи бир мақсад, маёқ, машъал бўлиши лозимлигини хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Албатта, мустабид режим олдида доимо бўйни эгик бу бечора режим агитаторларининг юксакроққа боқишга на шуурлари ва на жүрәтлари етади.

Энг кулгилиси, режим идеологлари “яшаш”га урунаётган мафкура аҳолининг “моддий эҳтиёжи”га ҳам мос тушиши лозим экан. Яъний, бу шундай мафкура бўлиши лозим-ки, аҳоли бу мафкурани нон ўрнида ей-

иши ва кийим ўрнида қийиши ҳам мумкин бўлсин. Хуллас, Ўзбекистон ҳукумати ўзининг “ўзига хос ва мос йўлсизлиги”га муносиб бир ном топишга умид қилмоқда.

Каримов ҳукуматининг бир мафкура яратишга зўр бериб ётганининг яна бир сабаби ҳақда президент И.Каримовнинг ўзи шундай дейди: “фикрга қарши фикр, ғояга қарши фақат ғояни қарши қўйиб, курашиш лозим... мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлидир... сиёсатда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам, фанда ҳам вакуум-бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик керак... агар ўз ғоянг бўлмаса, сенинг юртингда чет ғоя келиб ҳукмронлик қилади” ва ҳақозо.

Фақат фикр айтгани учун, фақат бир ғояни кўтариб чиққани учун минглаб одамларни қамоқларда чиритган, қийнаб ўлдирган, майдонларда оттирган бир мустабиднинг “фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя билан курашмоқчи” бўлаётгани унча ишонарли эшитилмаётган бўлса ҳам, ҳар ҳолда, бу ният эътиборга лойиқдир. Лекин ҳамма бало шундаки, нормал бир давлат раҳбари фақат фикрга қарши фикр қўйиш билан эмас, балки, фикрга қарши ўзининг амалга оширган реал ишини ҳам қарши қўйиши лозим. Халққа файласуflik қилаётган “экономист” эмас, балки, ўз масъулиятини тўла англаган ва ишнинг кўзини биладиган раҳбар керак. Халққа сиёсатдаги, ижтимоий ҳаётдаги ва фандаги вакуум-бўшлиқларни тўлдириш билан машғул бўлиб ўтирган “политработник” эмас, балки, халқнинг қорнидаги, чўнтагидаги ва уйидаги бўшлиқ - “вакуум”ларни тўлдиришга қодир бўлган раҳбарлар керак. Агар шу бўшлиқлар тўлдирилса, Каримов юқорида санаб ўтган бўшлиқларни тўлдириб ўтиришга эҳтиёж ҳам қолмайди. Аммо бу ҳақиқатни тушуниш Каримов ва унинг идеологларига насиб этмаслиги кўриниб турибди.

Мақсуд Бекжон

ШАЙХ ҚАРЗОВИЙ МУСУЛМОНЛАРНИ СУРИЯДА ЖИҲОДГА ДАЪВАТ ҚИЛДИ

Шайх Қарзовий минбардан туриб Сурияга бориб жиҳод қилишга қодир бўлганлар учун бориб жиҳод қилиш вожиб, деб фатво бердилар.

«Қанийди мен ҳам қодир бўлганимда эди албатта борар эдим» деб, хутба охирида Башшар ва унинг ёрдамчиларини дуоибад қилдилар: youtube.com

Шунингдек, шайх Қарзовий шиа Ҳизбуллоҳ гуруҳини Ҳизбушшайтон, яъни шайтоннинг фирқаси, деб атади.

Аввал ҳам Шайх Қарзовий Миср диктатори Хусни Муборакни ҳокимиятдан кетишга чақирган ва мусулмонларни Ливия диктатори Муммар Каддафийга қарши урушишга даъват қилганди.

«Фейсбук»дан олинди



ИНТЕРНЕТДАН ХАВФСИЗ ФЙДАЛАНИШ ҲАҚИДА ЎХХ ХАЙРИХОҲИ ТАКЛИФИ

Ўзбекистон ҳудудидан мобил телефон орқали муҳолиф ва сиёсий сайтларга, одноклассники, фэйсбок даги гуруҳларда катнашаётган лекин фикр билдиришга қўркаётган ҳамюртларимиз диккатига.

Бу иш учун доимий «маскировка» да бўлиш керак. Интернетдаги маил ва профиллар ҳақида, проксилар ҳақида эмас гапимиз, бугун правайдерлар ҳақида айтмаиз.

1. Бундай фаолият учун сиз алоҳида ва интернет учун қулай имкониятли телефон олинг.

2. Сим картани сизни умуман танимайдиган шахсни номига олинг.

3. Бу номердан ҳеч қачон ҳеч кимга телефон қилманг ва телефон келса олманг.

4. Ўша Телефон апаратига бошқа ҳеч қандай шахсий сим карта сола кўрманг.

5. Ўша сим карта ҳисоби учун сиз камрок бўладиган ерларда пайнет қилинг, бир ердан орқама кетин пайнет қилманг. Бу карточкадан ҳисоб тўлдиришнинг энг хавфсиз йўлидир. Расмий идораларда ҳисоб тўлдирманг камерага тушиб қолишингиз мумкин.

6. Ўша номерга биринчи марта қандай номердан телефон келишидан қатъий назар у номерни ўша заҳоти алмаштиринг.

7. Ҳеч қачон у телда жуда муҳим вазиятда ҳам гаплаша кўрманг, сизни кузатаётган бўлишса овоз детектори сизнинг овозингиз тулқинларини сақлаб қолади ва қаердан ва қайси телдан алоқага чиқманг сизни аниқлаб олишади «овоз детектори» программаси орқали.

8. Сим картани биллайн компаниядан олганингиз маъқулроқ, чунки обонент кўп, бу эса кузатувни кийинлаштиради.

9. Ишлатаётган телефон апаратингиз ҳам серий рақами рўйхатга тушиши мумкин, шунинг учун у апаратга ўзингиз ёки танишларингизни сим карталарини ҳеч қачон қўйманг. Сим карта алмашгани билан серий рақам алмашмайди.

10. Телефон апаратингиздаги интернетга киришдаги логин ва паролларни сақлаб қолиш функциясини ўчириб қўйинг, бирор кимса телефон апаратингизни олса профилингизга кира олмайди ва сизни айблаб олмайди.

11. Битта сим картани узоғи билан 1 ёки 2 ой ишлагинг. Асосан пайнетчиларда ортиқча паспорт копиялари сероп бўлади, бир икки сўм берсангиз 10 талаб копия оласиз аммо сим картани ўша одамдан олманг. Сим картани турли жойлардан олинг. Иложи бўлса бошқа вилоят ёки туманлардан олинг.

12. Апаратни ўчирсангиз сим картани олиб ўчиринг ёки «автоном» режимида турсин. Апарат ўчгани билан унинг алоқаси ўчмайди ва сиз маълум даражада кузатилишингиз мумкин.

13. Ҳар сим картани алмаштирган ҳам сизга шубҳали телефон келверса демак апаратингиз серий рақами рўйхатга тушган бўлади, бунда апаратни алмаштиринг. Собик апаратингизни сотиб юборинг фақат умуман сизни танимайдиган ва топиб бера олмайдиган одамга сотинг.

Асосан ментларнинг топиш усули шу



оддий кетма кетликда бўлади. Интернетдан ип адрес тўлқинлари аниқлаиб сиз фойдаланаётган правайдер аниқланса ундаги номерингиз фош бўлади ундан эса телефон апаратнинг серия рақами, номернинг эса барча кирди чикди қўнғироқлари текширилади.

Шунинг учун алоҳида телефон апаратини ва умуман сизни танимайдиган одам номига сим карта олсангиз сизга муаммо йўқ. Мана шу усуллар билан мана бир йилдан ортиқ вақт ичида ҳеч қандай қўнғилсизлик кўрмадик, хоҳлаганимизча Каримовни ҳаромхўр эканини гапирамиз фош этамиз, МХХ агентлари билан бемалол тортишамиз ва курашамиз, хоҳлаган Хукумат сайтларига киришимиз, хоҳлаган диний ёки сиёсий сайтларда катнашиб маълумот оламиз. Биз ҳам худди сиздек Ўзбекистон ҳудудидамик фақат эҳтиёткорлик усулларимизни сиз билан ҳам баҳам кўрмоқчи бўлдик.

Адолат учун курашайлик, ҳақиқатни айтиб жар солайлик, бемалол Каримовга ва унинг Диктатурасига муҳолиф бўлайлик. Умуман кўркмайлик бу Диктатурадан, чунки кўркканга кўш кўринади.

БАЪЗИ ПРЕЗИДЕНТЛАРНИНГ СОҒЛИГИ, КАСАЛЛИГИ, ЎЛИМИ ҲАМ МУАММОДИР



Масала шундаки, Жазоир Шимоллий Африкада Миср, Тунис, Ливия, Мороккаш каби давлатларда ўз таъсирини кўрсатган «араб баҳори»га тўсиқ қўя олган ягона давлатдир. Унинг диктатор Президенти ўлиб қоладиган бўлса, бу мамлакатда ҳам баҳор бошланиб кетиши мумкин...

Бугун хасту тўшагида қимирлай олмай ётганлардан бири Саудия қироли Абдуллоҳдир. Аммо бу ерда ҳозирча «қирол ўлди, яшасин қирол» қоидаси ҳукмрон. Аммо янада айтиб бўлмайди эртага нима бўлишини...

Венесуела президенти Чавес яқинда вафот этганди. Унинг касаллиги ҳам мамлақати ва давлати учун анча мажораларга сабаб бўлганди...

Қариб, қартайиб, касал бўлган ёки вафот этган Президентлар булар эмас албатта. Президент ёки қирол бўлиши билан инсон касалликдан ёки ўлимдан қутулиб қола олмайди. Аммо масала бундай ҳукмдорларнинг соғлиги ҳам, касаллиги ҳам, ўлими ҳам муаммо эканлигидадир...

Чунки улар соғлигида ўзлари бошқарадиган давлат ва халқ учун муаммо бўладилар, касал бўлсалар бу муаммолар ортади, ўлганларида эса бу муаммолар ҳатто тўс тўполонларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади...

Масалан, бу кунларда Жазоир президенти Абдулазиз Бутефлики касалланиб, Францияда даволанаётган экан. Хабарда (centrasia.ru) айтилишича, у меъда ракига дучор бўлган. Хўш, нима бўпти бу инсон касал бўлган бўлса, дейсизми?

КИРТАГ: МУБОРАК ГАЗ КОНИДАГИ ПОРТЛАШГА БИР ОЙ БЎЛДИ

Ўзбекистоннинг Қашқадарё вилояти Муборак газ конида порташ бўлганига бир ой бўлган. Бу ҳақда ҳокимиятдаги манба КирТАГ агентлигига хабар берган.

Газ конидаги ёнғин 30 апрел куни бошланган, лекин Узбекнефтегаз ширкати ўз имкониятлари билан оловни ўчира олмаган. Шунинг учун ҳам газ оловини ўчириш учун хорижий давлатлардан ёрдам сўраш масаласи кун тартибига келган.

«Узбекнефтегаза ширкати матбуот маркази бу хабарни ҳақиқатга тўғри келмайди, дея тасдиқламаган.

Мубарекский ГПЗ НХК «Узбекнефтегаз»нинг асосий шубаси бўлган «Узнефтегаздобыча» қарашли бўлиб, йилига 30 млрд куб. м газ ишлаб чиқаради. Бу корхона газ конденсат, сиқиштирлагн газ ва техническую сера моддаларини ишлаб чиқаради.

Ассалому алайкум !

ЎИХЖ архивини тартибга солаётиб кизик бир хужжатга дуч келдим. 2001 йили эски ТошМИ ёнидаги, асосан русзабон аҳоли яшайдиган бир маҳаллани буза бошлашди. Оилаларга қонунга асосан муносиб уй-жой бермай, ётоқхоналарга кўчира бошлашибди. Ҳокимият мардикорларни олиб келиб, уйларнинг томига чиқариб буздир бошлашибди. Бир неча ўн хонадон ташкилотимизга шикоят билан келишди.

ДИКТАТУРА РЕЖИМИНИНГ ЖИРКАНЧ БАШАРАСИ

Мен шахсан бориб кўрдим ва дахшатга тушдим: одамлар уйда ўтирибди, ёмғир ёғаяпти, томлар устида мардикорлар томларни бузишяпти. Мен 20-30 тача расмга тушириб олиб келдим. Мен Тошкент шаҳар ҳокими номига телеграмма юбордим ва ундан бу бедодлик тўхтатилмаса, мен ҳокимият олдида пикет бошлайман, деб огоҳлантирдим.

Эртаси куни эрталаб соат 10 да пикетга чикдим. Бир ўзим. 15-20 минутдан кейин ёнимга 3 та одам келиб туришди. Биттаси Елена Урлаева экан, қолган 2 тасини танимадим. Ҳокимият ичидан олдимга 7 марта одам чикди, бирор нарса гапиришгани йўқ, фақат плакатимдаги ёзувларни ўқиб ичкарига кириб кетаверишди.

Шундан сўнг пикетлар улашиб кетди — одамларнинг ўзи пикет ва очлик эълон қилишиб давом эттиришди. Бу — мартнинг боши эди. 16 март куни мен БМТ Инсон Ҳуқуқлари Комитетининг сессиясида қатнашиш учун Нью-Йоркка кетдим. 29 мартда ЎИХЖ Матбуот марказининг бошлиғи Руслан Шарипов бориб очлик эълон қилган 6 одамдан интервью олибди. Шу интервью чиқиб қолди. Қизик материал. Ўқиб кўринг. Лозим топсангиз сайтга берарсиз. Тарих-да!

Ўзбекистон Инсон Ҳуқуқлари Жамиятининг (ЎИХЖ) Баёноти

Очлик эълон қилган фуқоралар халқаро террорчиликка айбланмоқда!

9 кундириқ Ўзбекистон Республикаси фуқоралари Лебедев Г, Бухарева Т, эр хотин Астафьевлар, Урлаева Е, Шишманиди Н томонидан эълон қилинган очлик давом этмоқда. Уларнинг ЎИХЖ Матбуот Марказига айтишларича, очлик

акцияси 30 март эрталаб соат 10 гача давом эттирилади.

ЎИХЖ Матбуот Маркази раҳбари Руслан Шарипов норозилик билдираётган фуқоралар билан учрашиб, бу ҳақда уларнинг фикрларини сўради. Қуйида уларга берилган “Сизни очлик қилишга ким даъват қилди?”, саволининг жавоблари билан танишасиз:

Татьяна Бухарева: Мени ҳоким муовини Файзулаев чақирди ва шундай деди: “Яхшилик билан эътироф қилинг,

лаш ва психиатрик назоратдан ўтказиш ишлари давом этмоқда. Кеча уйимга врач-психиатр Полякова Элла келди. Агар эрталаб очлик қилаётганимда менга паспортимни қайтариб беришмаса ва муаммоларимни ҳал қилишмаса, мен шаҳар ҳокимияти ёнига чодир қуриб, уларнинг кўз ўнгида очлик қилишни лавом эттираман.

Руслан Шарипов: Мен психиатрик диспансерга (Каҳҳор кўчаси №26) бордим ва бўлим бошлиғи Аҳмедова Гули

сизлар кимга ишлаяпсизлар?”.

Мен унинг гапларини тушунмадим, аммо у сўзларини шундай давом эттирди: “Сизни халқаро террорчилар қўллаб қувватлаётганини наҳотки билмасангиз?”. Мен бу алжирашни бас қилишни ва менинг мол мулкимга тегинмасликни ёки унга муқобил нарса топишни талаб қилдим. Фақат Файзуллаев халқаро терроризм мавзусини давом эттиришни истасди. У менга: Фуқоралар сўнги чора сифатида мурожаат қилишадиган ЎИХЖ раҳбари Толиб Ёқубовни халқаро террорчилар қўллаб қувватлайди, деди ва қуйидагиларнинг исмларини айтди: Муҳаммад Солиҳ ва Усамо Бин Ладен. Ҳоким муовини Файзулаев яқинда ҳамма нарсанинг ошқор бўлишини айтди. Мен ҳеч қачон ўз ҳуқуқларимни ва мол мулкимни кўриганим учун мени халқаро туррорчиликка айблашади, дея ўйламагандим. Шунинг учун ҳам мен эртага шаҳар ҳокимиятида ёнида очлик қилишни давом эттираман...

Г. Лебедев: Мени ҳокимиятига чақирди ва кексайиб қолганим учун бу марта менга қарши тадбир қўллашмасликларини айтишди. ЎИХЖ раҳбари Толиб Ёқубов давлат тўнтаришини амалга ошириш учун Муҳаммад Солиҳнинг кўрсатмаларини бажараётганига мени ишонтирмоқчи бўлишди. Мен уларга Толиб Ёқубов ва унинг ташкилоти менга чинакамига ёрдан беришга уринаётганини тушунтиришга ва кучим етганича мол мулк эгасининг ҳуқуқларини кўришга ҳаракат қилишимни айтдим.

Елена Урлаева: Мажбуран даво-



Муминовна билан учрашдим. Бу аёл ниҳоятда мулоийм экан.

Гули Аҳмедова: “Одатда мен матбуот ходимлари билан учрашмайман, фақат сиз билан мулоқот қилишим мумкин. Баҳор ва куз мавсумларида бизнинг хастларнинг аҳволи ниҳоятда оғирлашади.

Руслан Шарипов: Яъни Лена (Урлаева) сизнинг хастангиз ва рўйхатда турадим?”

Гули Аҳмедова: “ Йўқ. Лена бизга илк марта мурожаат қилган. Масала шундан иборатки, бизга шикоят тушадиган бўлса, биз уни бош психиатрга юборамиз. Агар у маъқуллайдиган бўлса, биз бирор руҳий касаллик аломати борлигини аниқлашга руҳсат олган ҳисобланамиз...”

Аҳмедова Гули амбулатория бўлимининг журналини очиб, Урлаева ҳақида шикоятнинг 20 март (очлик эълон қилинган) куни келганини айтди. Аммо шикоятчининг исми кўрсатилмаганди...

Мен психиатрия диспансерини тарк этар эканман, у ернинг коридори инсонлар билан тўла эди. Умид қиламаски, улар у ерга шаҳар бош психиатрининг йўлланмаси билан келмагандирлар!

Соғ бўлинг!

Ҳурмат билан **Толиб Ёқубов**



17 май куни Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича судида 6 диндор устидан суд ҳукми ўқилди. Ҳибсга олинган шахсларнинг барчаси Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур ва Олмазор туманларида истиқомат қилганлар.

ТОШКЕНТДА ҲУКМ ЎҚИЛДИ

Бу диндорларнинг ҳибсга олингани ҳақида ББС ўзбек хизмати хабар тарқатган эди: (bbc.co.uk)

Ҳибсга олинганлар 3 ой давомида Ички Ишлар Вазирлиги ертўласида тергов қилинганлар. Тергов ваҳшиёна олиб борилган. Уларга нисбатан Ўзбекистон Жиноят кодексининг камида еттита моддаси бўйича тергов иши олиб борилган. Булар қуйидагилар: 159, 242, 244 (1), 244 (2), 243, 223, 177.

Тергов тугаб апрел ойининг бошида суд бошланган. 10 май кунги суд ишида прокурор судланувчи Тожибоев Шухратга жазони қаттиқ режимли колонияда ўташ шarti билан 20 йил, Каримов Аҳмаджон ва Хорунов

Абдурашидга 18 йил, Каримов Бобур ва яна икки кишига 9 йилдан қамоқ жазоси тайинланишини сўраган.

17 май куни суд судланувчилардан охириги сўзни тинглаган. Шундан сўнг суд судланувчиларнинг оила аъзоларига ҳукм эълон қилинадиган кунни белгилаб, хабар беришини айтиб тарқатиб юборган. Бироқ ҳеч кимга хабар берилмасдан хуфёна тарзда суд ҳукми ўқиган. Суд ҳукми прокурор сўраган жазодан деярли фарқ қилмаслиги айтилади.

Суд жараёнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотдан вакил келиб иштирок этгани айтилганди. Бироқ ҳозиргача бирорта ахборот манбаёсида бу суд иши ҳақида маълумот тарқатилгани кўринган эмас.

Тошкентдан ЎХХ муҳбири

ЎРТА ОСИЁДА ЯНГИ “КАТТА ЎЙИН”

(Туркияни минтақа сиёсатида аниқ бир тарафли бўлишга мажбур қилишяпти)

19-асрнинг охирларида Англия ва Россиянинг бу минтақадаги рақобатига берилган исм “Катта ўйин”, бугун АҚШ ва Россия, қисман Хитой ҳам қўшилиб ораларида давом этмоқда. Туркия, Урта Осиё сиёсатини ўз ичига олган “Катта ўйин”да ўрин олиш ва сўзи ўтадиган ўлка ҳолига келишни истаса, келажак (стратегик) мақсадлари ва вазифаларини мана шу вазиятга кўра белгилаши керак бўлади.



Стратегик Фикр (Тушунча) институту ва Қирғизистон-Туркия Манас университети тарафидан жорий йилнинг 24-25 май кунларида Бишкек шаҳрида ўтказилган йиғилишда Туркиянинг Қирғизистон ва Урта Осиё билан алоқалари масаласи ҳам кун тартибига келтирилди. Сиёсий алоқалардан тортиб, маданий ҳамкорликка қадар, тижорат кўламиндан то геосиёсий мувазонатларга қадар масалаларни ўз ичига олган келишувларда ўзаро улушлар, Урта Осиё сиёсатида Россия, Хитой ва АҚШ ўртасидаги алоқалар ҳам ҳисобга олинган вазиятда қараб чиқилди.

Ҳақиқатан ҳам бугун Урта Осиёда кечаётган жараёнларни (олиб борилаётган сиёсатни), 19-асрнинг охирларида бошланган Англия ва Россиянинг бу минтақадаги рақобатига берилган исм “Буюк ўйин”га ўхшатувчилар кўпчиликни ташкил қилади. Буни агар “Катта ўйин” десак, бу янги “Катта ўйин”да ўрин олаётганлар – минтақадаги асосий куч ҳисобланган Россия, ривожланиб келаётган Хитой ва ҳозирча ягона буюк куч (давлат) бўлиб қолаётган АҚШдир.

СССР тарқалиши оқибатида аҳолисининг бир қисмини йўқотган Россия, бу воқеалардан кейинги 10 йилга яқин бир муддат ичида АҚШ ва у билан бирга ҳаракатда бўлган Туркиянинг иқтисодий, сиёсий майдонда илгари кетишига тўсиқ бўла олмаганди. Ундан ташқари 11 сентябр воқеалари оқибатида АҚШ Қирғизистон, Ўзбекистон ва Тожикистонда ҳарбий базалар қуриш воқеасида минтақага ҳарбий куч ҳам жойлаштирилган бўлди ва Урта Осиё Кичик Бушнинг Афғонистон (балки босқинчилик, гегемончилик – таржимон иловаси) сиёсатида суянч нуқталаридан бирига айланган эди.

2002 йилнинг бошларидан Россия ва қайсидир даражада Хитой ҳам АҚШнинг Урта Осиёдаги таъсирини пасайтирувчи қадамлар ташлай бошладилар. 1996 йилда унча ҳам жиддий бўлмаган бир ташаббус билан бошланган Шанхай ҳамкорлиги 2001

йилда тартибли бир шакл олиб, бир мунча жиддий ташкилот ҳолига келиши АҚШнинг Урта Осиёдаги таъсирига қаршилик кўрсата оладиган аҳамиятли бир ҳаракат бўлди. 2002 йилнинг декабрида Қирғизистон билан шартнома тузган Россия Бишкекнинг шимолидаги Қант базасига 20 та ҳарбий учоқ ва 1000 аскар жойлаштирди. Ўзбекистон эса, 2005 йилда АҚШнинг мамлакатдаги базаларини ёпиб қўйди. Бу орада Владимир Путиннинг ғоясига асосланиб қурилган Коллектив Хавфсизлик Кенгаши кўп тарафли иттифоқ шаклида муҳим бир аҳамият касб этди. “Осиёнинг НАТО”сига ўхшатирилган бу ташкилотнинг олтига аъзосидан учтаси Урта Осиё ўлкалари бўлиши эса, Россиянинг “яқин атрофдаги” нуфусининг бир кўрсаткичи эди. Масалан, АҚШ Қирғизистон, Қозоғистон, Ўзбекистон ва Тожикистонга йиллик 118 миллион долларлик ёрдам қилишда давом этаётган бўлса-да, бу минтақада Россия ва Хитойнинг таъсирини йўқотиш мумкин бўлмаётир. Россиянинг Коллектив Хавфсизлик Шартнома Ташкилоти ҳисобидан Қирғизистонга 1,1 миллиард доллар, Тожикистонга эса, 220 миллион доллар миқдорда қурол-аслаҳа ва бошқа ҳарбий заҳира қисмлар ажратилишининг олдида, АҚШдан 118 миллионлик ёрдам жуда камтарона садақа бўлиб қолаяпти. Бунинг устига Россия ва Хитой Урта Осиё режимларига ёрдам бераётганларида, уларнинг олдида демократия, инсон ҳуқуқлари ҳимояси, эркин бозор системасини жорий этиш каби шартлар қўймайди.

АҚШ президенти Обаманинг ваъдасига кўра, 2014 йилнинг охиригача Америка ҳарбийларини Афғонистондан чиқариши муносабати билан Урта Осиё ўлкаларида баъзи радикал гуруҳлар жонланиш ва ёйилиш эҳтимоли АҚШни бир мунча ўйлантириб турибди. Бундан ташқари, айтганимиз радикал гуруҳларнинг мавжудлиги, минтақа режимларининг демократлашиш одимларининг боши берек кўчага кириб қолиши оқибатида мўъдатил муҳолифатнинг ҳам радикаллашувига олиб келиши мумкин. Бунинг натижасида эса, мавжуд режимларнинг Россия билан яна-да мустаҳкамроқ

ҳамкорлик қилишларига йўл очиш эҳтимоли ҳам мавжуддир.

АҚШ, Россия ва Хитой орасида Урта Осиёда давом этаётган бу қураш, истасангиз ҳам, истамасангиз ҳам Туркиянинг Урта Осиё сиёсатида таъсир қилмай қолиши мумкин эмас. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотида Туркиянинг маслаҳатчи сифатида қатнашиш ваколати яна-да юқори даражага кўтарилиши, унинг НАТО аъзоси муддатча рўёбга чиқмайдигандек кўринади. Масала айнан шундай эканлигини Путин кабинети аъзолари сир тутмаяпти.

Қисқаси, Туркия, Урта Осиё сиёсатида ё АҚШ ёнида ёки Россия билан Хитой ёнида бўлишни танлашга мажбур қилинаёпти. Бошқа тарафдан эса, Туркия Ғарб билан алоқаларини таъминлайдиган энг кучли ва муҳим унсур НАТОдан чиқиш нияти йўқлиги сингари, Бош Вазир Эрдўғоннинг кейинги АҚШ зиёратиди ҳам тез-тез тилга олинганидек, АҚШ Туркиянинг энг аҳамиятли иттифоқдошидир...

Ўрта Осиёда шаклланган янги “Катта ўйин”да тарафдорлар бир-бирларига қарши майдон танлаш вазиятида эканликларни кўрсатаётдилар. Туркиянинг Москва ва Пекин ҳамда Вашингтонни қамраб олган бир вазиятда барчаси бирдай ишонадиган дўст бўлиб қолиши эса, кун сайин оғирлашиб бормоқда. Бу муносабат ва мувазонатларнинг сақланишини эътиборга олмасдан, уларни бир четга суриб, Анқарада ўз кўринишига эга бўлган “Туркия” номи билан Урта Осиё сиёсатини юрита олиши учун эса, Туркиянинг иқтисодий ва ҳарбий кучи кифоя қилолмай қолмоқда. Демак, Туркия, Урта Осиёда сўзи ўтадиган бир куч бўлишни истаётган бўлса, унинг бу янги “Катта ўйин”ни яхши англаб етиши ва стратегик мақсадлари ва вазифаларини шунга кўра белгилаши керак бўлади ...

Чағри Эрхон

Проф. др., Анқара университети ижтимоий фанлар факультетининг таълим ишлари аъзоси.
Таржимон **Алибой Иўляхши**

АТЕИСТ АБДУРАҲИМ ПЎЛАТ ВА ПЎЛАТ ОХУНОВЛАРГА ЖАВОБ

ББС ўзбек хизмати ходимлари менга ўзини Бирлик партияси, ҳаракати раисининг ўринбосари, дейдиган Пўлат Охунов билан жонли эфирда суҳбатлашиш таклифини қилишганда ўйланиб қолганим. Мени ўйлантирган икки ҳусус бор эди:

Биринчиси, бу одамнинг устози Абдураҳим Пўлатов олға сураётган “Имония” мазҳаби мансуби бўлиши. Бу (астағфируллоҳ) “мазҳабга” кўра, Ислом динида намоз ўқиш, закот бериш, рўза тутиш, ҳажга бориш каби ибодатлар фарз эмас. Бундай дейдиганлар мусулмон ҳисобланмаслиги ўз ўзидан маълум.

Иккинчиси, бу одамлар ўзларининг коммунистларга хос фитналари (кейинги воқеалар буларнинг жосуслигини кўрсатди) билан мустақиллик йилларида халқимиз бағридан чиққан бир миллий ҳаракатнинг парчаланиб кетишига сабаб бўлган эдилар...

Мен бутун жоҳилларга Ҳақ сўзни етказиш вожиб бўлганлиги, қолаверса кимнинг ким эканлигини ҳамюртларимиз билиб олишлари учун ушбу суҳбатда иштирок этишга рози бўлдим.

Пўлат Охунов мен кутганимдаек гапнинг бошидан ўзининг атеистик руҳдаги ноғорасини чала бошлади.

Авалло, Каримов режими билан муроса масаласини кун тартибига келтирди ва бизни 1990 йилларнинг бошида бу режим билан муросага қилганимизда айблаб, тавба қилишимизни талаб қилди. (Булар ўз манфаатларига мос бўлса динни суъистемол қилишни яхши кўрадилар).

Мен муроса масаласида шуни айтдим. Тўғри биз Каримов ярим демократ, ярим диктатор бўлган мустақилликнинг илк йилларида у билан муроса йўлини синаб кўрганмиз. Мустақил бўлишга уринаётган давлатда бу зарурий қадам эди. 1990 ва 1991 йиллар Ўзбекистон Олий Мажлисида муҳолиф депутатлар иштирокида ўтган кизгин муҳокамаларни ҳаммамиз яхши эслаймиз. Аммо “демократ” Пўлат Охуновга кўра у пайтда муросага эҳтиёж йўқ эмиш...

Бу йўлини йўқотган шаввозлар Каримов ҳақиқий диктаторга айлангандан кейин у билан муроса тарафдори бўлдилар ва бунга қойиллатиб бажардилар ҳам. Бунинг далиллари:

-2000 йилларнинг бошларидан Абдураҳим Пўлатов ва Пўлат Охунов Каримов диктатураси билан муроса тарафида бўлишни олға суриб, дунё ҳамжамиятини Ўзбекистон даги диктатура режимини яққалатиб қўймасликка давъат қила бошлашди

-Бунинг натижасида Каримов Пўлатовларни Ўзбекистонга қайтиб келишга давъат қилди.

-Бирликнинг ён ташкилоти бўлган “Эзулик” ташкилоти расман рўйхатдан ўтказилди

-Пўлат Охуновнинг ўзи бемалол Ўзбекистонга саёҳат қила бошлади, яъни бир неча марта бориб келди, Ўзбекистоннинг янги паспортини олди.

-Каримов режими ва сохта муҳолифчилар орасидаги бундай муросанинг сири менга кейинчалик, яъни “Бирлик”нинг энг фаол аъзоларидан бири Абдураҳим Пўлатовнинг МХХ ағенти эканлигини айтганидан кейин тушунарли бўлди. Яъни, Абдураҳим Пўлатов ва Пўлат Охунов каби коммунистлар қайта қуриш ва мустақилликни қўлга кириштириш йилларида Ўзбекистондаги миллий уйғониш ҳаракатларини ичдан парчалаш ва йўқ қилиш учун унга эски КГБ (ҳозирги МХХ) тарафидан киритилган унсурлар бўлган...

Кўринишдан хўжайинлари бу унсурларни ўзбек халқининг ва мустақил Ўзбекистон давлатининг тарақиётига тўсик бўлиш вазифасидан озод қилмаганга ўхшайдилар. Юқорида айтилган “Имония” мазҳабини тузиш, бу орқали халқининг асосий қисми мусулмон бўлган Ўзбекистонда дин ва сиёсат соҳасида фитна чиқариш, эътиқодли ва тараққийпарвар кучларни, жумладан ЎХХ қарши турли бўхтонлар уюштириш бу атеист жосусларга берилган янги вазифалардир, деб ўйлайман.

ББС билан суҳбатда Пўлат Охунов айнан шу руҳда ЎХХ ни ҳеч қандай асосиз диний сиёсий ташкилот эканлигида айблаб бошлади. Яъни, бу атеист ўз дастурини гапнинг бошидаёқ эълон қилди. Ҳолбуки, у ЎХХ низом ва дастурида ҳаракатимизнинг диний-сиёсий ташкилот эканлигини кўрсатадиган бирор модда йўқлигини у яхши билади. Хўш, унда масаланинг моҳияти нимадан иборат?

Маълумки, мусулмонлар орасида динга асосланган сиёсий ташкилотлар тузиш масаласида ихтилоф бор. Асосан аҳли Исломлар турли жамоатлар ҳолида давъат, маърифат ва тарбиявий ишлар билан шуғулланадилар. Менинг билишимча “Ҳизбут таҳрир” ҳисобга олмаганда бугуни кунда Ислом уммати орасида аниқ қилиб ўзининг сиёсий ташкилот эканлигини айтадиган Исломий гуруҳлар йўқдир. Қолаверса, Ислом дин сифатида илоҳий ва умумбашарий асосларни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам динимизни “сиёсий ислом”, “иктисодий ислом”, “ҳуқуқий ислом”, дея ажратишга мусулмонлар журъат қила олмайдилар. Бу маънода, Ислом дини қуёш, бошқа ижтимоий соҳаларни (сиёсат, иқтисод, ҳуқуқ ва ҳк) ушбу қуёшдан нур ва қувват оладиган дарахтлар ўрнида кўриш тўғри бўлса керак. Яъни, Ислом бутун ижтимоий соҳаларни қуёш каби ёротади, аммо айна пайтда айнан шу соҳалардан фақатгина бири ҳам бўла олмайди. Демак, бир ҳаракатни “сиёсий Ислом”чиликда айблаш учун инсон ё жоҳил ёки Ислом душмани бўлиш керак. Атеист Пўлат Охунов ЎХХни сиёсий исломчиликда айблаш билан шулардан бири эканлигини кўрсатди, деб ўйлайман.

Бу атеист билан радио суҳбатнинг асосий мавзуларидан бири ҳам дин ва сиёсат масаласи бўлди. П. Охунов қатъий тарзда Ўзбекистонда ғарбдаги

секуляр тизимни жорий қилиш керак, деган ғояни олға сурди. 20 -аср тажрибасига қарайдиган бўлсак, аҳолиси асосан мусулмонлардан иборат бўлган давлатларда бундай тизим қуйидаги шаклда жорий қилиниши мумкин:

-Ўзбекистондаги каби даҳшатли ва очик диктатура шароитида

-Туркиядаги каби аммо яширин ҳарбий диктатура шаклида.

Бошқа томондан, ғарбдаги режимларни кўр- кўрона мусулмон мамлакатларда нухалаб (копиялаб) кўчириш Тожикистонда бўлгани каби фуқоралар урушига ёки Қирғизистонда бўлгани каби миллатчиликка (ёки қабилачиликка) ва унинг оқибатида қонли мажораларга олиб келиши мумкин.

Бундай вазиятда мен ватанимизда қуриладиган янги жамият қуйидаги қадриятларга асосланиши керак, деб ўйлайман:

-Ўзбек халқининг миллий қадриятлари (она тилимиз, тарихимиз, маданиятимиз ва ҳк)

-Умуминсоний тараққиётнинг инсон ҳуқуқларига амал қилиш, халқнинг ўз ҳукумати сайлаши, эркин жамиятлар ва ташкилотлар тузиш каби ижобий қадриятлари.

-Халқимизнинг эътиқодий қадриятлари, яна имонли, ахлоқли, ибодатли, тоатли бўлиш ва ҳк.

Агар биз ушбу қадриятларнинг мутаносиблигига (ўзаро мослигига) эриша олсак, у ҳолда янги жамиятда давлат, сиёсат ва дин орасидаги масалаларда тўғри ечимлар топган бўламиз ва энг асосийси бу орқали турли шаклдаги миллий ва диний низоларнинг ўртага чиқишига йўл қўймаймиз.

Атеист Охунов “секуляр демократия”, “секуляр давлат”, дея қайта қайта такрорлагандан кейин мен Ислом динининг дунёвийликка қарши эмаслигини таъкидлаш мақсадида Қуръони Каримнинг Бақара сурасининг 201 оятини аввал арабча, кейин ўзбек тилидаги маъносини ўқдим:

“Эй Роббимиз, бизга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшиликлар бергин ва бизларни жаҳаннам (арабча “нар”) азобидан қўригин”.

Қуръони Каримнинг фақатгина мана шу бир ояти Исломнинг ғарбдаги христианлик (роҳиблик) динидан фарқли эканлигини кўрсатиб турибди. Француз инқилоби ғарбдаги рухонийлар (роҳиблар) динига қаршилик сифатида ўртага чиққанди. Чунки таркидунёчилик билан машғул бўлган черков роҳиблари (папа ва кардиналлари) инсон ҳаётининг дунёвий жиҳатларига (илмга, оила қуришга ва ҳк) қарши чиқиб, халқни ўзларидан бездирган эдилар. Натижада инсонлар дунё қадриятларини инкор қиладиган бундай диндан воз кечиш йўлини танладилар ва шу шаклда ғарбда дин ва дунё ишлари бир бирдан ажратилди. Аммо бу қонданнинг Ислом динига нима алоқаси бор?

(Давоми кейинги саҳифада)

АТЕИСТ АБДУРАҲИМ ПЎЛАТ ВА ПЎЛАТ ОХУНОВЛАРГА ЖАВОБ

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Чунки Ислом дини юқорида келтирилган оятда марҳамат қилингани каби дунёвийликни инкор қилмайди...

Мана шу ҳақиқатдан йўлга чиқиб ҶХХ ўз фаолиятининг бошида “Анджон Адолат ва Тикланиш ҳаракати”, “Таянч” жамияти ва бошқа мусулмон жамоаларнинг вакиллари ўз сафига чорлаган эди. Бундан мақсад ўз ҳаётида дунёвий кадрятларга ўрин берган мусулмонларни (зотан мусулмон киши махсус ибодат бўлган намоз ўқиш учун бир кунда бир соат ажратади) фуқаровий ижтимоий жараёнларга жалб қилишдан иборат эди. Бизнинг бу дастлабки ташаббусимиз турли сабаблар билан унча муваффақиятли бўлмаган бўлсада, юқорида айтиб ўтилган уч кадрят асосида биз мусулмон биродарларимиз билан ватанимизда янги эркин ва адолатли жамият қуришда ҳамкорликни давом эттириш ниятидамиз.

Атеист Пўлат Охуновга келадиган бўлса, бу шаввоз тиниб тинчмайдиганга ўхшайди. Ёки хўжайинлари унга шундай буйруқ беришганми ББСсидаги суҳбатдан бир икки кун ўтмасдан дарров бизни инсонларни “нар”га (оловга) даъват қилишда айблабди. Аввал айтганимдек, бу ё жоҳилликнинг ёки жосус-

ликнинг (Аллоҳ билади буларнинг кимга жосуслик қилишини) ишоратидир...

Хулосалар:

- Абдураҳим Пўлатов ва Пўлат Охунов каби атеистлар (эски коммунистлар) қайта қуриш, мустақиллик йилларида Ўзбекистондаги миллий тикланиш ҳаракатларини ичдан бузиш учун махсус хизматлар тарафидан уларга киритилган унсурулардир. Аммо бу барча “Бирлик”чиларнинг бу унсуруларга ўхшагини билдирмайди.

- Абдураҳим Пўлатов ва Пўлат Охунов олға сураётган “Имония” мазҳаби (бу “мазҳаб”га кўра намоз, рўза, закот, ҳаж каби ибодатлар фарз эмас) Ислом динига зиддир ва инсонларни Ислом мавзусида фитнага бошлайдиган жоҳилона (ёки жосусона) уринишдир. Бундай фитнани ўртага ташлаш махсус хизматларнинг Абдураҳим Пўлатов ва Пўлат Охуновга берган янги топшириғи ҳам бўлиши мумкин.

- Ғарбдаги секуляр тизим дунёвий кадрятларни инкор қиладиган роҳиблик динини давлат ишларидан ажратиш учун жорий қилинган қоғдадир. Ислом дини эса дунёвийликни инкор қилмайди.

- Ғарбдаги секуляр тизимни аҳолиси асосан мусулмон бўлган мамлакатларда

очик ёки яширин ҳарбий диктатура йўли (яъни мусулмон халқни қатағон қилиш) билан жорий қилиш мумкин. Аммо бу жамиятда мусулмонларнинг доимий норозилигига ва турли низоларга олиб келадиган йўллар. Шунингдек, ғарбдаги секуляр тизимнинг кўр кўрона нусхаланиши Тожикистон ва Қирғизистондаги қонли тажрибаларга йўл очиши ҳам мумкин.

- Ўзбекистонда қуриладиган янги жамият халқимизнинг миллий (миллатчилик эмас) кадрятларига, умуминсоний тараққиётнинг инсон ҳуқуқларига амал қилиш, халқнинг ўз ҳукуматини сайлаши, эркин жамиятлар ва ташкилотлар тузиши каби ижобий кадрятларига ва халқимизнинг эътиқодий кадрятларига асосланиши керак.

- Ҳозирги кундаги асосий вазифа Ўзбекистондаги диктатура (қуллик ва зулм) режимидан қутулиб, унинг ўрнига Эркинлик ва Адолатни устун қилишдан иборатдир. Эркинлик шароитида фуқаровий тинчликни ва сиёсий барқарорликни таъминлаш учун халқимиз юқоридаги кадрятларни ўзига дастур қилиб олган ҶХХга эргашishi керак.

Намоз Нормўмин

Ўзбекистонда «Араб баҳори»га қарши тарғибот юритиб келинади.

Ўзбекистон телевидениеси рангли инқилоблар ёки «Араб баҳори» деб аталаётган ҳокимиятлар алмашинуви танқид қилинган яна бир кўрсатувни намойиш этган.

Кўрсатувда Яқин Шарқ мамлакатларидаги ҳодисалар барқарорликни издан чиқаргани айтилади, тинчликни асраш кераклиги ўқтирилади.

«Ўзбекистон» телеканали намойиш этган кўрсатувга «Оқайтган сув қадри» деб ном берилган.

Унда Ўзбекистон иқтисодий ва маърифий ютуқларга эришгани мақталади.

Францияда истиқомат қиладиган сиёсий таҳлилчи Камолиддин Раббимов фикрича, Ўзбекистон ҳукуматининг «Араб баҳори»дан чўчишига асос бор.

Биринчиси, жамоатчилик фикрини олдиндан айтиб бўлмаслигидир, дейди Камолиддин Раббимов.

«2004-2005 йил воқеалари шуни кўрсатдики, жамоатчилик қутилмаганда жунбушга келиши мумкин ва қутилмаганда таъбир қилиб бўлмайдиган ҳатти-ҳаракатлар қилиши мумкин. Иккинчиси, Ўзбекистон аҳолиси ўзининг квадрат километрга нисбатан анча зич жойлашган. Яъни «Араб баҳори», ҳокимиятлар алмашинуви ёки шартли



«бу ерга босинг Араб баҳори» деб номланаётган ҳодисалар Тунисда 2010 йил 17 декабр кунини савдогарлик ортидан кун кўрайдиган Муҳаммад Боазизининг маҳаллий амалдорларнинг адолатсизлигига қарши ўзига ўт қўйишидан бошланди.

ЎЗБЕКИСТОН ҲУКУМАТИ НЕГА 'АРАБ БАҲОРИ'ДАН ЧЎЧИЙДИ?

Ўзбекистонликлар мамлакатдаги тинчлик-барқарорликнинг қадрига етишлари лозимлиги, Яқин Шарқ, Афғонистон, Ироқ, Судан, Миср ва Суриядаги қонли ҳодисалардан сабоқ чиқариш зарурлиги таъкидланади.

Ота-оналар фарзандлари турли оқимлар таъсирларига тушиб қолмасликлари учун эҳтиёт бўлишлари ҳақида огоҳлантирилади.

«Араб баҳори»га қарши тарғибот бошқа мамлакатларда кузатилмайди, аксар таҳлилчиларга кўра, Ўзбекистон раҳбарияти бундай ҳодисалар ўз мамлакатда такрорланишидан жиддий хавотирга тушган.

Хориж матбуотида Хусни Муборак Мисри, Муаммар Қаддофий Ливияси ва бугунги Ўзбекистоннинг ўхшаш жиҳатлари санаб ўтилган қатор мақолалар эълон қилинган.

равишда инқилоблар дейдиган бўлса, мана бу инқилобларнинг ёки ҳокимият алмашинувининг маълум бир ижтимоий, географик, демографик ўлчовлари мавжуд. Ва мана шу ўлчовларнинг деярли ҳаммасига Ўзбекистон тушади», дейди таҳлилчи.

«Араб баҳори»дан кўрқиб учун асос

«Ҳокимият легитимлигининг пастлиги, унинг коррупцияга берилганлиги, аҳолининг зич жойлашганлиги, ижтимоий норозиликнинг яширин-ошкора, лекин анча юқори эканлиги, аҳолининг аксар қисми, ярмидан кўпи 30 ёшгача бўлганлар эканлиги. Мана шу омилларнинг ҳаммасини ибодатга олиб зулоса қиладиган бўлса, Ўзбекистон ҳокимияти ва ҳукуматининг «рангли инқилоблар» ёки «Араб баҳори»га ўхшаш воқеалардан кўрқиб мутлақ асоси бор», дейди Камолиддин Раббимов.

«Муҳаммад Араб дунёсидаги тушқунликка тушган, ишсиз ва ё рўзгор тебратишга қийналаётган миллионлаб ўттиздан ёш Арабларнинг рамзи эди», дейди Би-би-сининг Яқин Шарқ бўйича таҳлилчиси Жереме Бовен.

«Араб баҳори» ортидан Ўзбекистонда Интернетни янада қаттиқроқ назоратга олишга киришилган, бу ҳукуматнинг мамлакатда бундай ҳодисалар такрорланиши олдини олиш йўлидаги амалларидан бири бўлган.

Сиёсий таҳлилчи Камолиддин Раббимов эса Ўзбекистон ҳукумати ўзининг куч ишлатиш қобилияти билан қудратда қолишга интилиш ўрнига «комплекс ишлар, энг биринчи ўринда сиёсий ислохотлар бошлаши» лозимлигини айтади.

bbc.co.uk/uzbek

НАЗМ ШАКЛИ

Муҳаммад Солиҳ шеърларида турли хил назм шаклларини қўлланади. Шеърларининг ярмидан кўпи сарбаст вазнида ёзилган. «Ким учун», «Мақтов», «Сиз каби», «Қасам ичмадим мен», «Ташбеҳсиз шеър», «Қаршиман», «Адашганлар қўшиғи», «Чет тилини ўрганиш», «Туркистон» каби тўртликларга бўлиниб ёзилган шеърлар бутун шеърларнинг қирқ фойизини ташкил этади. Бунга «Арғамчи», «Нур ичра», «Кўксимдаги бешик», «Одам», «Қуёш», «Шеърят», «Рус шоирига» каби битта тўртликдан иборат шеърлар ҳам киради. Бу тарзда ёзилган шеърларда тўртликлар сони баъзан ўндан ошмоқда.



МУҲАММАД СОЛИҲ ШЕЪРИЯТИ

ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАНИШ

Туркчада сўзлар бор,
ханжардай ўткирдир.
Бир хато қилсанг бас,
тил дарров тилинар.
Айниқса, бировга
айтмоқчи бўлсанг сир,
Айниқса, ҳайқирмоқ истасанг,
билинар.

Туркчада сўзлар бор,
ўткирдир найзадай.
Аммо мен биламан ишимнинг кўзини:
Эрталаб тилимга,
доривор майсадай,
Қўяман Енглишнинг
ўн-ўн беш сўзини.

Ўн-ўн беш сўз ила тузалган бу яра,
Қайтадан тилимни
найзага ташлайман.
Энг ўткир сўзларга мен уни қўярак,
Энг юмшоқ сўзларни
келтира бошлайман.
Мен энди биламан, энг қадим обида
"Эрк" сўзи тил учун энг
хавфли калима.
Ва лекин бирон сўз
юмшоқлик бобида
Ҳеч тилда тенг келмас
бу туркча "Ölüm"га.

"Ўлдириб бўлмас", "Бу ерда",
"Қувонч", "Танбеҳ", "Она билан хайр-
лашув" шеърлари эса уч мисрадан
ташақул этган қитъалар ҳолида
ёзилган.

ЎЛДИРИБ БЎЛМАС

Гулни ҳидлаш учун
Эгилган бошни
Кесиш мумкин эмас ҳеч қачон.
Мерганнинг энг зўри
Қўшиқ айтаётган инсоннинг
кўксини мўлжалга ололмас.
Дунё зулматида севгисидан
бўса олаётган кимсаннинг
елқасига пичоқ уриб бўлмайди.
Ўлдириб бўлмайди,
Ўлдириб бўлмас
сиғиниб ўтирган одамни, ахир.

"Мен бугун ой чехрасини кўрдим",
"Қахрамоним", "Омадсиз одамнинг
дегани" ва "Оч бир чумчуқ бўлсам"
шеърлари иккиликлар ҳолида ёзилган.

ОЧ БИР ЧУМЧУҚ БЎЛСАМ

Оч бир чумчуқ бўлсам,
Қўнмас эдим сизнинг деразангизга.
Чумоли бўлсам мен,
Кесиб ўтмас эдим

сиз ўтган йўлни,
Агар дарахт бўлсам,
Сизнинг боғингизда кўкармас эдим.
Лекин ҳарсанг бўлсам,
Йулингизда кўндаланг
ётган бўлардим.

Бу китобда яна сонет шакли-
да ёзилган бир шеър ҳам ўрин
олмоқдадир. Фақат ҳижо вазнининг
9-ҳижоли қолипда ёзилган бу шеър-
нинг қофия тизими классик сонет-
дан фарқ қилади.

СОНЕТ

Мана, сизга яна бир шоир –
Юзинчи ё мингинчи Мажнун!
Фақат Лайли ёлғиздир доим
Ва севгининг ўзидай – мажхул.

Сен шоирсан. Турма ҳайқириб,
Ол, омордан Фарҳод тешасин.
Тиз чўк Ширин олдида, ҳайқир.
"Муҳаббатга қуллуқ – яшасин!"

Шеърларингни қояга ёзгин,
Юксак, ёзгин ва яна ёзгин.
Темир қалам – тешани ушлаб,

Ул қояда бургутлар ўлсин,
Ўтларга бериб ўз кўксин,
Улсин севги алдаган қушлар!

ВАЗН

Муҳаммад Солиҳ ўз шеърларини
ҳар қандай вазнга боғлиқ қолмай,
сарбаст вазнида ёзган. Бу шеърлар
орасида "Ўзга элда", "Энди сизга на-
вбат", "Сўзларни яратиб", "Қиличлар
уйқуга кетса", "Зинапоя", "Қафасдаги
сичқон", "Дарахт шоир бўлса",
"Шафоф уй", "Дастлабки қувонч",
"Ит", "Тилчининг дегани", "Гапир
Туркистон", "Балки", "Эртага" каби
шеърлари бор. Шоир бу шеърлари-
да маълум вазн ва мисра тартибига
риоя қилмаса ҳам қофияга нисбатан
ўз хассосиятини йўқотмайди.

ГАПИР, ТУРКИСТОН

Роппа-роса минг йилдан буён
Рўза тутиб оғиз очмаган ҳамон
Турк саркардаси – Тиёншон.

Минг йил давомида у емаган нон,
Унинг насибаси – минг йиллик увол
Тузга тўлиб бораётган

туздон – Орол.
Саркардини гўзал қизи ўтлоқда
Оқ илонни босиб, деганида "Вой!"
Чиққан товуш,
қумушранг халқа – Ой!
Ўтлоққа шитирлаб

сингиб бораётган,
Бебахт Осиёдан қочаётган мангу
Бу оқ илон, муқаддас илон –
Аму...
Яна "Вой" дема қиз. Етар битта
Ой.
Оғзинг очма гўзал, этма овоза.
Фақат отанга айт: оғзини очсин –
Туғади рўза.

Муҳаммад Солиҳ шеърларининг
тахминан 25 фойизи ҳижо вазни-
нинг кўп қўлланиладиган 11 бўғинли
қолипда ёзгандир. Лекин бу шеър-
ларнинг жуда озида туроқларга ри-
оят қилгандир.

"Бу ерда", "Бармоқдан сўраб
олинган шеърлар", "Қасам ичмадим
мен", "Фол", "Дехқон қўллари", "Та-
биат муҳофазаси ҳақида", "Мумкин",
"Тараққиёт ва мақол", "Адашганлар
қўшиғи", "Бадий ёлғон", "Туркистон",
"Имоннинг уйғониши" каби танилган
шеърлари 11 бўғинли қолипда ёзилган.

БУ ЕРДА

Бу ерда изтироб нотаниш сўздир,
Бирор баҳона йўқ маъюслик учун,
Қувонч уйқу билмас

бемор бир кўздир
Демак ҳеч ким бунда

бағрин тиғламас,
Демак хат ёзилмас,

кутилмайди хат,
Бирдан биров ўлиб,

биров йиғламас.
Демак тураверар олма қизариб
Тағига тушмас у,

қурт тушмас унга
Демак тураверар ману қизариб.
Қувонч уйқу билмас

бемор бир кўздир.

Шеърларининг 10 фоизига
яқинини ҳижонинг 9 бўғинли қолипда
битган. Бу шеърлар орасида "Севги",
"Пайт пойлаб", "Эртага ҳам тузалма-
сам гар", "Арғамчи", "Баъзан", "Ёвон
севгиси", "Туғулган кун", "Мумкин
эмас" каби шеърлар бор.

БАЪЗАН

Баъзан йўққа ўхшайди ўлим,
Гўё ўлмагандай ўлганлар.
Туш кўраман, тушумда йўлим
Тирик марҳумларга тўларлар.
Баъзан ҳаёт эслатар тушни,
Узун тушага ҳаёт ўхшайдир -
Юз йил ухлаётган ўтмишининг
Тушлариға ўхшар бу асп.

Шуъайб Қорақош (Туркия)

ТЕРИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Эризипеллоид (Йилонжиқ, рожа, эритема ползучая)

Йилонжиқ - чўчка стрептококи (*Erysipelothrix rhusiopathiae*) билан боғлиқ бўлган юксак харорат, титраш ва оғриқли давом этган юқумли касалликдир.

Йилонжиқ тери устида кўк-қизғиш рангда, шишган бир хасталиқдир.

Йилонжиқ тери бўлгасига боғлиқ безларнинг шишиб, оғриши шаклида кўриниши мумкин.

Замонавий тиббиётда унинг давоси турли антибиотиклар ва терига суртиладиган антисептик малҳамлар билан қилинмоқда.

Йилонжиқ бир кишида кўп марта такрорланиши мумкин.

Чунки бу тип даволаш билан бу касалликнинг илдизини йўқотиш эмас, балки янада қувватлантириш мумкин холос.

Бу касалликни озикланишни тартибга келтириб, томирлардаги тикқинликларни очиш ва вужудни метаболизм қолдиқларидан тозалаш билан даволаш мумкиндир. (Умумий даволаш учун “Эгзема” бўлимига қаранг.)

Хасталиқни локал (муайян бўлга) даволашда халқ орасида қўлланилган до-рилардан фойдаланишни тавсия этамиз.

Қуёш чикмасидан аввал йилонжиқ устига табиий асал сурилади ва соф ипак, зиғир ёки юнг мато билан ёпилади. Ҳар тонг, куёш чикмасдан аввал, алмаштирилади.

Пўстли жавдар майдаланади, куёш чиқшидан аввал эланиб, йилонжиқга сепилади ва тоза мато билан боғланади. Ҳар тонг алмаштирилади.

Липа чойи ҳам ичилади, ҳам йилонжиққа сурилади.

Седана ёғи ёки майда туйилган седана + зайтунёғи қоришмаси йилонжиққа сурилади.

Йилонжиқ устига тоза лой сурилади ва ҳар икки соатда бир алмаштирилади.

2-3 кун ҳеч нарса эмасдан доимий семизўти суви ичилса ва кунда 2 марта семизўти суви билан йилонжиқ боғланса, йилонжиқни йўқотади. Ёввойи семизўти боғ семизўтидан кўра таъсирли.

Оқ қарам барглари яхшилаб эзилади ва йилонжиқ устига қўйилади.

Заъфарон эритилиб, сурилади.

Йилонжиққа ёнғоқ ёғи сурилади.


Сийдик 2-3 кун сақланади, кейин устидаги $\frac{3}{4}$ қисми секин қўйилади, қолган $\frac{1}{4}$ йилонжиққа сурилади. Таъсири жуда катта.

Йилонжиққа яқин жойлардан хожамот қилади ёки йилонжиқ жойларга зулук қўйилади.

Бундай йилонжиқ қисқа вақтда ўтади. Бу ерда диққат қилиниши керак бўлган нуқта, куёш иссиғининг йилонжиққа (*Egizipel*) тушмаслиги керак.

Булар халқ орасида иложи топилган услубдир.

Биз ҳар дардга шифо бўлган 3 кун-



лик очликлар ва иммунитет тизими учун тенги йўқ малҳам бўлган кўқарган бугдойни йилонжиқ (*Egizipel*) устига суришни тавсия қиламиз. (“Дорилар” бўлимида “Арпа” мавзуйига қаранг.)

Эпидермофития (“грибок”)

Табиатда

замбуруғ (гриб)лар асидли(кислотали), намли ва илик тупроқларда етишади. Инсон вужудда эса РН мувозанати бузилиши нагижасида қонда кислоталиқнинг кўпайиши замбуруғ (грибок)га сабаб бўлади.

Қонда кислоталиқ пайдо бўлишига сабаб бўлган таомлар: Қон гуруҳи “О” ва “В” бўлганларда - иссиқ дрозжали оқ нон, маккажўхори ва бугдой маҳсулотлари, хусусан, гени ўзгартирилган 405-550 турлар, қанд; қон гуруҳи “А” бўлганларда - қизил гўшт; ҳаммага маргарин, қўшимчалик ёғлар, тайёр қўшимчалик таом ва ичимликлар, хусусан шоколад, қахва, қора чой, аралаш таомлар, таомдан кейин ейилган мева ва ширинликлардир.

Даволаш

Озикланиш тартибга солинади, ошқозон ва ичаклар даволанади.

Жигар тозаланиши ва бошқа тозаланишлар қилинади.

Эпидермофития чиққан жойга зулук қўйилади.

Ҳафтада 1 марта 1 кунлик рўза қанда қилинмайди.

Янги сабзавот, хусусан турп ейилади. Тайёр таомлар, ширинлик ва оқ нон ейилмайди.

Қуйидаги дорилардан бири эпидермофития «грибок»ли бўлгаларга ишлатилади:

Аччиқ бодом ёғи, туйилган қовун уруғи билан яхшилаб аралаштирилади ва эпидермофития, «грибок»ка сурилади.

Эпидермофития (“грибок”) чиққан ерларга майда хантал кукуни билан аралаштирилган сирка сурилади.

Янги лимон суви эпидермофития «грибок» устига сурилади. Лимон суви, пўсти ва уруғлари билан бирга ярми қолгунича қайнатилиб совутиб сурилса янада таъсирли бўлади.

Пўсти олинган саримсоқлар иссиққа чидамли банка ёки сопол идишга солинмиб, усти хамир билан ёпилади. 200 даража пецьда 1-1.5 соат туради. Кейин совутилиб, айни миқдорда асал билан аралаштирилади ва эпидермофития «грибок» сурилади.

Жамбул майдаланади, бугдой ёғи ёки тоза зайтун ёғи билан аралаштирилади ва эпидермофития «грибок» га сурилади.

Айни пайтда:

Семизўти суви ҳам ичилади, ҳамда эпидермофития «грибок» га сурилади.

Пиёз, саримсоқ ейилади, бундан ташқари кунига 3-5 дона саримсоқ ютилади ва эпидермофития «грибок» га саримсоқ сурилади.

Ширинликни кўп ейдиганлар эпидермофитиядан қутула олмайдилар. Даволанишнинг бошида асал ҳам емаслик керак.

ЯРАЛАР

Тўқималарда ёниш, яра ёки травма сабабли бузилиш (кесиклар, эзиклар) бўлса; токсин, бактерия, метаболик қолдиқ моддалар тўпланса; таъсирланган тўқималардан гистамин ва серотонин каби моддалар ёриб чиқа бошлайди.

Бу моддалар қон томирларидан суюқлик чиқариб, таъсирланган тўқималар атрофида шиш пайдо қилади. Бу шишлар ўлган тўқималар ва бегона моддаларни ичига олиб соғлом тўқималарни изоляция қилади. Гистамин ва серотонин, лейкоцит номли оқ қон ҳужайраларига ҳам таъсир қилади.

Лейкоцитлар шишда тўпланиб, микробларни, ўлик ёки бузилган ҳужайраларни, қолдиқ ва бегона моддаларни тутиб, ютади, йўқотади ва ўзлари ҳам ўлади.

Бундай шиш бўлган жойда ўлик тўқима, токсин, бактерия, жонли ёки ўлик лейкоцитлардан ташқил топган йиринг юзга келади. Яллиғланиш пайдо бўлган ерда оғриқ, қизариш ва харорат хис қилинади. Зулук ёки жарроҳлик билан яллиғланишни оқизиш керак.

Яллиғланиш иммунитетнинг ишлаш жараёнларидан биридир.

Кесиклар (кесилган жойлар)

Янги кесикларни шу заҳотиёқ ёпмаслик, қонашини қутиш керак. Ярадан қон чиқиши керак-ки, яра тозалансин (“Қон олдириш” бўлимига қаранг.)

Кейин бу қонни ювмасдан яра тева-рагини бир-бирига яқинлаштириб, устига пахтали мато қўйиб бошлаш керак. Қон янги яралар учун, яхши бекитувчи ва соғайтирувчидир. Антисептиклар керакмас, чунки табиий соғайиш жараёнини кечиктиради.

Кесик чуқур бўлса, яллиғланишини олдини олиш учун атрофига банка қўйиш, зулук қўйиш ва 2-3 кун рўза тутиш керак.

ОЙДИН СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Қамолддин Йўлдош